

## Ҳар бир маҳалладагиларга азон қачон суннати муаккада бўлади?



09:00 / 30.06.2023 1755

Агар азонниг овози бир маҳалладан иккинчи маҳаллагача етиб бормаса, унда ҳар бир маҳалла аҳли учун алоҳида-алоҳида айтишлари суннати муаккададир.

«Раддул мухтор»да:

**«Зохир гап шуки, ҳар маҳалла аҳллари агарчи бошқа маҳалланинг азонини эшитсалар ҳам улардан бу суннат соқит бўлади. Агар эшитмасалар, суннат соқит бўлмайди»,** дейилган.

Жуманинг аввалги азонини бидъат дейиш

Жуманинг аввалги азонини **«бидъати усмоний»** дейишлик тўғри эмас. Балки у **«суннати усмоний»дир**. Барча саҳобаларнинг маслаҳати ва ижмоъси билан ҳазрат Усмон розияллоҳу анҳу бу азонни қўшдилар. Шунинг учун бу азон ҳам хутбанинг азонига ўхшаган суннати муаккададир. Уни бидъат дейиш залолат ва гумроҳликдир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг иршодларига хилофдир. Чунки Қуръон ва ҳадис шаръий ҳужжат бўлганидек, худди шундай ижмои уммат ҳам қатъий ҳужжатдир. Саҳобаи киромларнинг ижмоси ижмои умматнинг энг авло қисмидир.

Яна Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Сизлар менинг Суннатимни ва рошид - ҳидоят топган халифаларнинг суннاتини маҳкам ушланглар».**

Таҳажжуд учун азон

Таҳажжуд учун азон айтиш маршруъ эмас. Ҳазрат Иброҳим Нахавъий айтадилар: «Биз Ҳазрат Алқама роҳматуллоҳи алайҳ билан келаётган эдик. У киши кечасида бир инсоннинг азон айтаётганини эшитиб айтдилар:

**«Аммо бу одам саҳобаи киромнинг йўлига хилоф иш қилди. Агар бу одам ҳозир ухлаб ётганида у учун яхшироқ бўлар эди. Фажр вақти кирса, кейин азон айтар эди».** (*«Шарҳи Маъонил осор»*).

Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васалламнинг замоналарида Билал розияллоҳу анҳу кечасида, саҳарлик вақтида азон айтган эдилар. У бомдоднинг азони ҳам эмас эди, таҳажжуд учун ҳам эмас эди. Балки, муборак Рамазон ойида саҳарлик вақтининг кирганини билдириш учун азон айтган эдилар.

**«Азон одоблари ва аҳкомлари» китобидан**

*Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 14 июндаги 03-07/4936-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.*